

“UzAssets инвестиция компанияси” АЖ
Ягона акциядорининг 2023 йил «30»
август даги 01 - сонли қарорига
1-илова

**«UzAssets инвестиция компанияси»
акциядорлик жамияти
У С Т А В И**

Тошкент – 2023 й.

МУНДАРИЖА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	3
II. ЖАМИЯТНИНГ ФИРМА НОМИ	3
III. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ.....	3
IV. ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ПРЕДМЕТИ	4
V. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ	5
VI. ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ.....	6
VII. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИ.....	6
VIII. ДИВИДЕНД	7
IX. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ	8
X. ЯГОНА АКЦИЯДОР.....	8
XI. ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ	11
XII. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ (БОШҚАРУВИ)	13
XIII. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ	16
XIV. ЖАМИЯТ ВА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ	16
XV. ЖАМИЯТНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТИНИ ТАЙЁРЛАШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ	18
XVI. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ТУГАТИШ	18
XVII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.....	18

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни (кейинги ўринларда – Қонун), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 мартдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш жараёнларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-83-сон ва 2023 йил 18 августдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банкларини ислоҳ қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-283-сон қарорлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

2. Акциядорлик жамияти шаклидаги “UzAssets инвестиция компанияси” (кейинги ўринларда – Жамият) Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 июндаги “Хусусийлаштириш жараёнларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 381-сон қарорига асосан ташкил этилган.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 18 августдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банкларини ислоҳ қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-283-сон қарорига асосан, Жамият устав капиталидаги давлат улуши бўйича акциядор функциясини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (кейинги ўринларда – Ягона акциядор) томонидан амалга оширилади.

II. ЖАМИЯТНИНГ ФИРМА НОМИ

4. Жамият ўзининг фирма номига мутлақ эгаллик қилиш ҳуқуқига эга:

а) давлат тилида:

лотин ёзувида - Aksiyadorlik jamiyati shaklidagi “UzAssets investitsiya kompaniyasi”;

кирилл ёзувида - Акциядорлик жамияти шаклидаги “UzAssets инвестиция компанияси”;

б) рус тилида – “Инвестиционная компания UzAssets” в форме акционерного общества;

в) инглиз тилида: “UzAssets” joint-stock investment company.

5. Жамиятнинг қисқартирилган номи:

а) давлат тилида:

лотин ёзувида – “UzAssets” AJ;

кирилл ёзувида – “UzAssets” АЖ.

б) рус тилида – АО “UzAssets”

в) инглиз тилида: “UzAssets” JSC.

6. Жамиятнинг жойлашган манзили (почта манзили):

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур кўчаси, 6-уй. (почта индекси: 100000.)

Жамиятнинг электрон почта манзили: info@uz-assets.uz;

Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.uz-assets.uz

III. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

7. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

8. Жамият чекланмаган муддатга тузилган.

9. Жамият ўз мустақил балансида ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади.

10. Жамият ўз номидан мулкӣй ва шахсий номулкӣй ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

11. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисидида белгиланган тартибда банк ҳисобварақларини очишга ҳақли.

12. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти иқтисодий мустақиллик асосида амалга оширилади. Жамият фаолиятини молиялаштириш устав капитали, хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобидан амалга оширилади.

13. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлишга ҳақли. Муҳрда бир вақтнинг ўзидида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

14. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

15. Жамиятнинг фирма номи ва тимсоли Жамиятнинг Ягона акциядори томонидан тасдиқланади.

IV. ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ПРЕДМЕТИ

16. Жамият фаолиятининг мақсади давлат иштирокидаги хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналарининг (кейинги ўринларда - “давлат иштирокидаги корхоналар” деб юритилади) узоқ муддатли қийматини ва инвестицион жозибадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 мартдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш жараёнларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-83-сон қарори ҳамда 2023 йил 18 августдаги ПҚ-283-сон “Давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банкларини ислоҳ қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида назарда тутилган корпоратив бошқарувнинг самарали усулларини жорий этиш орқали фаолият самарадорлиги ва фаолиятнинг шаффофлигини таъминлаш, шунингдек, Жамиятнинг Ягона акциядори манфаатларини кўзлаб фойда (даромад) олиш мақсадида бозор механизмларига ўтиш шулар жумласидандир.

17. Жамиятнинг вазифалари қуйидагилар:

иқтисодиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик корхоналарни ислоҳ қилиш, шу жумладан экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш ҳамда хусусий секторни жалб қилиш орқали самарали бошқариш ва ривожланиш истиқболларининг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш, хусусан, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг ESG (Environmental, social, and corporate governance) бўйича тавсияларини инобатга олиш;

корхоналарнинг рақобатбардошлигини, даромадлигини, рентабеллиги ва операцион самарадорлигини ошириш, молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда бизнес-жараёнларни оптималлаштириш;

ўзига бошқарувга берилган корхоналарнинг ижроия органи ва кузатув кенгашига маҳаллий ҳамда хорижий малакали менежерларни жалб қилиш орқали корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш;

корхоналарнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, шунингдек, уларнинг бозор баҳосини ошириш;

корхоналарда инновацион жараёнлар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни рағбатлантириш;

давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятини комплекс таҳлил қилиш (due diligence), жумладан, инвестициявий таҳлил қилиш, «бенчмаркинг» усулида таққослаш орқали ривожланиш прогноз кўрсаткичларини белгилаш;

давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштиришга тайёрлаш ва уларнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни жорий этиш (хусусан, МСФОни жорий қилиш орқали бошқарув усуллари ва ресурсларни режалаштириш - ERP, рискларни бошқариш);

иктисодиёт тармоқларини узоқ муддатли ривожлантириш мақсадларидан келиб чиқиб, давлат корхоналарига потенциал инвесторларни жалб қилиш;

Жамият Ягона акциядорнинг стратегик мақсадларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажариши мумкин.

18. Жамият фаолиятининг предмети - давлат иштирокидаги корхоналарни тижорат фаолияти ва бошқариш бўйича маслаҳатлар бериш, шу жумладан:

давлат иштирокидаги корхоналарда амалга оширилаётган ислоҳот ва ўзгартириш жараёнларини услубий бошқариш;

инвестиция, давлат харидлари, операцион-ишлаб чиқариш ва молиявий соҳаларда самарадорликни таъминлаш йўналишларида, жумладан, рақамлаштириш технологияларини жорий қилиш асосида фаолият самарасини ошириш;

корхоналарни барқарор ривожлантириш ва бошқарувнинг замонавий тизимларини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

хорижий, халқаро институтлар ва компаниялар билан самарали ҳамкорликни ташкил этиш;

Ягона акциядорнинг жавобгарлик предметида мос келадиган бошқа фаолият билан шугулланиш;

V. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

19. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқларга ва мажбуриятлар эга.

20. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади. Жамият Ягона акциядорнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмаганидек, Ягона акциядор Жамият мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

21. Жамият ўз фаолияти мақсадига эришиш учун ўз номидан битимлар тузишга, мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

22. Жамият интеллектуал мулк объектлари ва бошқа маълумотларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини олиш ва беришга ҳақли.

23. Жамият Ягона акциядорнинг қарори билан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш, муомалада бўлиши ва муомаладан чиқариш шартлари ва тартибини белгилаши мумкин.

24. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида филиаллар ва ваколатхоналар тузишга, шунингдек, бошқа юридик шахсларнинг акциядори бўлишга ҳақли.

25. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари тегишли низомга мувофиқ иш юритадилар ҳамда ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда Жамиятнинг ушбу Уставига амал қиладилар.

26. Жамият ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий-техника таъминоти, ижтимоий ривожлантириш, кадрларни танлаш, жойлаштириш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқ масалаларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда Ягона акциядор томонидан тасдиқланган бюджет доирасида мустақил равишда ҳал қилади.

27. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳисобга олиш, статистик ва молиявий ҳисоботларни тузишни амалга оширади.

28. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ сўмда ва чет эл валютасида кредитлар олишга ҳамда кредитлардан фойдаланишга ҳақли.

29. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва (ёки) Уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

VI. ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ

30. Жамиятнинг акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади. Ҳар бир акциянинг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўми ташкил этади.

31. Жамиятнинг оддий акцияларини имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.

32. Жамият қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

33. Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш Жамият Ягона акциядори қарорига кўра амалга оширилади.

34. Жамият ўзи жойлаштирган қимматли қоғозлар айирбошланиши мумкин бўлган акциялар берадиган ҳуқуқларни чеклаш ҳақида ушбу қимматли қоғозлар эгаларининг розилигисиз қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

VII. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИ

35. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

36. Жамиятнинг устав капитали 100 (юз) фоиз миқдоридаги давлат улушидан иборат.

37. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) 20 000 000 000 (йигирма миллиард) сўми ташкил қилиб, ҳар бир акциянинг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм бўлган 20 000 000 (йигирма миллион) дона номланган оддий акцияга бўлинган.

38. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) Жамият мол-мулкининг Жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

39. Акцияларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан, мулкӣ ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади.

40. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

41. Жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

42. Кўшимча акциялар фақат Жамият Уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида Жамият томонидан жойлаштирилади.

43. Жамиятнинг устав фондиди кўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча акцияларнинг

сони, уларни жойлаштириш муддатлари ҳамда шартлари белгиланган бўлиши керак.

44. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда, Жамият Уставида кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

45. Жамият жойлаштирган акцияларга кўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдори 10 000 000 (ўн миллион) донга, эгасининг номи ёзилган, номинал қиймати 1000 (бир минг) бўлган акциялардан иборат бўлиши мумкин.

46. Жамиятнинг Ягона акциядори томонидан қабул қилинган кўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор Жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарор ҳисобланади.

47. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

48. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

49. Жамият устав фондини (устав капитални) камайтириш тўғрисидаги ва Жамият Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар Жамиятнинг Ягона акциядори томонидан қабул қилинади.

50. Жамият устав фондини (устав капитални) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда Жамиятнинг Ягона акциядори устав фондини (устав капитални) камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

VIII. ДИВИДЕНД

51. Дивиденд Жамият соф фойдасининг Ягона акциядорга тўланадиган қисмидир.

52. Дивидендлар Жамиятнинг Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

53. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

54. Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби Жамиятнинг Ягона акциядори қарорида белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтимиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

55. Акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Жамиятнинг Ягона акциядори томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Жамият Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

56. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

57. Дивиденд Жамиятнинг Ягона акциядори қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

58. Жамиятнинг йиллик молиявий ҳисоботининг тўғрилигини, шунингдек унинг ишларининг жорий ҳолатини текшириш ва тасдиқлаш учун Жамият мулкый манфаатлар

билан боғлиқ бўлмаган ҳамда Кузатув кенгаши, Бошқарув ёки Ягона акциядор (ташки аудит) билан аффилиланган бўлмаган аудиторлик ташкилотини жалб қилишга ҳақли;

59. Жамият акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва қарор қабул қуйдаги ҳолларда қилишга ҳақли эмас:

- эълон қилинган устав капитали тўла шакллангунига қадар;
- дивидендлар тўлаш вақтида Жамиятда банкротлик белгилари бўлса ёки дивидендлар тўлаш натижасида Жамиятда шундай белгилар пайдо бўлса;
- Жамиятнинг соф активлари қиймати унинг устав капитали ва захира фонди ҳажмидан кам бўлса.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Жамият ҳисобланган дивидендларни Ягона акциядорга тўлаши шарт.

60. Жамият соф фойда ҳисобидан устав фондининг (устав капиталининг) 15% (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда захира фонди тузади. Жамиятнинг захира фонди ушбу Уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг камида 5% (беш) фоизи миқдорида ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади.

61. Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

62. Жамият ўзи жойлаштирган акцияларни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотиб олишга ҳақли. Бунда Жамият ихтиёрига олинган акциялар овоз бериш ҳуқуқини таъминламайди, овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди ва улар бўйича дивидендлар ҳисобланмайди.

IX. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

63. Жамиятни Бошқарув органлари қуйдагилардан иборат:

Ягона акциядор – Юқори бошқарув органи

Кузатув кенгаши – бошқарув органи

Бошқарув – коллегиял ижроия органи

X. ЯГОНА АКЦИЯДОР

64. Ягона акциядор Жамиятнинг юқори Бошқарув органи ҳисобланади.

65. Жамиятнинг барча оддий акциялари битта акциядорга тегишли.

66. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 мартдаги ПҚ-83-сон “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш жараёнларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда 2023 йил 18 августдаги ПҚ-283-сон “Давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банкларини ислоҳ қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, Жамият устав капиталидаги давлат улуши бўйича акциядор функцияси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

67. Жамият Ягона акциядорининг ваколатларига қуйдагилар қиради:

Жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг Уставини тасдиқлаш;

Жамиятни қайта ташкил этиш;

Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Жамият Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини

сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

Жамиятнинг устав капиталини камайтириш ёки кўпайтириш;

ўз акцияларини сотиб олиш;

Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

Жамият ижроия органини тузиш (сайлаш, тайинлаш), унинг рахбари ва аъзоларини тайинлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;

Жамиятнинг йиллик молиявий ҳисоботини тасдиқлаш;

Жамиятнинг узоқ муддатли стратегиясини тасдиқлаш (10 йил ва ундан ортиқ);

Жамиятнинг бизнес режасини ҳисобга олган ҳолда (3-5 йил);

Жамиятнинг бизнес-режаси ҳар йили жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида тасдиқланиши керак;

Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

Жамият Кузатув кенгашининг ўз ваколатларига кирувчи масалалар бўйича, шу жумладан, қонун ҳужжатларида жамият бошқарувиغا қўйиладиган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботларини эшитиш;

Жамият томонидан корпоратив облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

акцияларни жойлаштириш (ташқил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини аниқлаш;

Ягона акциядор фаолияти тўғрисидаги регламентни тасдиқлаш;

акцияларни бўлиш ва бирлаштириш;

жамиятнинг йирик битимлари ва аффилиланган шахслар билан тузиладиган битимлар тўғрисида қарор қабул қилиш;

корпоратив бошқарув кодексини тасдиқлаш, шунингдек, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсация миқдорини белгилаш;

дивидендлар миқдори, муддатлари ва тўлаш тартибини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини тайинлаш, унинг хизматлари учун тўловнинг максимал миқдори тўғрисида ва у билан шартнома тузиш (бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

68. Ягона акциядор ваколатига оид масалалар Жамият Кузатув кенгаши ва ижроия органи (Бошқарув) га берилиши мумкин эмас.

69. Жамият акциядорларнинг умумий йиғилишларини ўтказмайди. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-моддасига мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар Ягона акциядор томонидан қабул қилинади ва ёзма шаклда расмийлаштирилади.

70. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига киритиладиган масалалар Ягона акциядор томонидан молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай қабул

қилинади.

71. Ягона акциядор Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасида кўрсатилган ҳуқуқлардан ташқари ҳуқуқларга эга:

депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш бўйича қарор қабул қилиш;

акциялар ва қимматли қоғозлар Жамият томонидан жойлаштирилганда акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига, нақд пулда тўланадиган, мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга;

Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятига оид маълумотлардан, шу жумладан Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби ва бошқа ҳужжатларидан эркин фойдаланиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

ўз ҳуқуқларини судда, шунингдек қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида ҳимоя қилиш;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциядор томонидан етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноtijорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори асосида ўз улушларини бегоналаштириш;

Жамиятнинг бошқа бошқарув органлари унинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва (ёки) Жамиятнинг ушбу Уставида назарда тутилган ҳуқуқларини бузувчи қарорлари устидан суд тартибида шикоят қилиш;

Жамият кузатув кенгаши ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли;

аффилиланган шахс билан битим тузиш натижасида жамиятга зарар етказилган ёки келажакда етказилиши мумкин бўлган хавфларга доир талаблар бузилишининг мавжуд белгиларини ўрганиш учун аудиторлик ташкилотини жалб қилиш;

72. Ягона акциядор Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва ушбу Устав назарда тутилган ҳоллардан бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин

73. Ягона акциядор мажбуриятлари:

Жамиятнинг ушбу Уставида ва Ягона акциядорнинг қарорларида назарда тутилган тартибда, миқдорларда ва муддатларда Жамиятнинг устав капиталини шакллантириш;

Жамият томонидан тижорат сирини деб эълон қилинган маълумотларни ошкор қилмаслик, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

акцияларга бўлган ҳуқуқларни қайд этиш бўйича хизмат кўрсатувчи қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига ва (ёки) инвестиция воситачисига Жамият маълумотларидаги ўзгаришлар тўғрисида ўз вақтида хабар бериш;

Жамият бошқарув органларининг жавобгарлигини назорат қилиш ва тегишли бизнес

режалар параметрлари бажарилмаган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар кўриш;

Жамиятни ривожлантириш стратегияларини тасдиқлашни ва уларнинг амалга оширилиши устидан назоратни мувофиқлаштириш;

Жамият Кузатув кенгашига мустақил аъзоларни жалб этиш;

Жамиятнинг молиявий ҳисоботларини халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузиш ва халқаро кредит рейтингларига эришишни мувофиқлаштириш;

Жамиятнинг носоҳавий активларини қисқартириш чораларини кўриш;

харид жараёнларини текшириш, шунингдек, Жамиятда коррупцияга қарши ички назорат самарадорлигини ошириш чораларини кўриш;

хар чоракда Жамият фаолияти самарадорлиги, шу жумладан амалга оширилган харидлар бўйича ижроия органининг ҳисоботларини Кузатув кенгаши томонидан эшитилишини назорат қилиш;

йилига камида бир марта корпоратив бошқарув тизимининг жорий этилишини баҳолашни назорат қилиш;

Жамият Кузатув кенгаши ва ижроия органи аъзоларининг жавобгарлигини суғурта қилишнинг амалга оширилишини назорат қилиш.

74. Ягона акциядор зиммасига Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

XI. ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

75. Кузатув кенгаши Жамиятнинг бошқарув органи ҳисобланади.

76. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамият Устави билан Жамиятнинг Ягона акциядори ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

77. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 5 (беш) кишидан, шундан, 1(бир) мустақил аъзодан иборат.

78. Кузатув кенгаши аъзолигига номзод Ягона акциядорнинг қарори билан тузиладиган танлов комиссияси томонидан танланади.

79. Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлари бўйича танлов ўтказиш мезонлари ва ушбу мезонлар асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Танлов қоидалари (танлов регламенти) билан белгиланади.

80. Кузатув кенгаши аъзолари Ягона акциядорнинг қарорига асосан уч йил муддатга сайланади.

81. Жамият Кузатув кенгашига сайланган шахслар чекланмаган миқдорда қайта сайланиши мумкин.

82. Жамият Кузатув кенгашига ижроия органининг раҳбари ва аъзолари, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар, шунингдек ушбу жамиятларнинг бошқарув органларининг аъзолари сайланиши мумкин эмас.

83. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

84. Кузатув кенгашининг раиси ва аъзолари билан шартнома Ягона акциядор ваколат берган шахс томонидан тузилади.

85. Кузатув кенгашининг фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига, ушбу Уставга, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомга ҳамда Жамиятнинг Ягона акциядори томонидан тасдиқланадиган регламентга мувофиқ олиб

боради.

86. Жамият Кузатув кенгашининг ваколати куйидагилар:

Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

Жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Уставни янги тахрирда тасдиқлаш билан боғлиқ масалаларни Ягона акциядорнинг қарорига киритиш;

мулкнинг бозор қийматини аниқлаш чора-тадбирларини ташкил этиш;

Ягона акциядорга ижроия органи аъзоларини (шу жумладан унинг раисини) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш, дивидендлар тақсимлаш тўғрисидаги тавсиялар бериш;

Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

Ягона акциядорга тасдиқлаш учун тақдим этилган йирик битимларни мувофиқлаштириш. Бунда йирик битим тузиш тўғрисидаги қарорни мажбурий тартибда мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан унинг шартларини баҳолаш ташкилоти томонидан белгиланган мулкнинг бозор қийматини қонунчиликка мувофиқ, ҳисобга олиб ўрганилган ҳолда қабул қилиш.

Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битим тузиш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш;

тегишли битим тузилган санада Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоб-китоб суммасининг 3500 (уч минг беш юз) баробаридан ортик бўлган битим ёки ўзаро боғлиқ битимлар мажмуини тузиш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни тузиш;

Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг йиллик молиявий ҳисоботини дастлабки тасдиқлаш (келишиш);

Жамиятнинг узоқ муддатли стратегиясини келишиш (10 йил ва ундан ортик);

Жамиятнинг бизнес режасини тасдиқлаш (3-5 йил);

Жамиятнинг бизнес-режаси ҳар йили жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида тасдиқланиши керак;

Жамият бюджетини тасдиқлаш (1 йил);

бунда келгуси йил бюджети жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида тасдиқланиши керак;

Жамиятнинг бизнес-режасини амалга ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги Жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам эшитиш;

Жамият ижроия органининг миқдорий таркибини келишиш ҳамда ижроия органи раҳбари ва аъзолар сайлаш (тайинлаш), шунингдек уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш бўйича Ягона акциядорга тавсиялар бериш;

Жамият ижроия органи раҳбари ва аъзоларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва мукофотлаш шартларини тасдиқлаш;

Жамиятнинг ташкилий тузилмасини, кейинчалик Ягона акциядор томонидан

тасдиқлашга тақдим этган ҳолда келишиш, Жамиятнинг штат жадвалини, Жамият ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва мукофотлаш шартларини белгилаш;

корпоратив котибни тайинлаш ва унинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш, корпоратив котибнинг ваколат муддатини унга қўйиладиган талаблар, унинг функциялари, фаолияти тартибларини, корпоратив котибга иш ҳақи ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини белгилаш;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиш;

аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида (мажбурий аудитдан ташқари), аудиторлик ташкилотини, унинг хизматлари учун тўловнинг максимал миқдорини аниқлаш ва у билан шартнома тузиш (бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларнинг таркиби ва ҳажмини, уни муҳофаза қилиш тартибини белгилаш;

Жамиятнинг ички ҳужжатларини тасдиқлаш, Ягона акциядорнинг ёки ижроия органининг мутлақ ваколатига тааллуқли бўлган ички ҳужжатлар бундан мустасно;

тегишли давр учун Жамият фаолиятининг асосий кўрсаткичларига (KPI) эришиш даражасини, шунингдек, раҳбар ва ижроия органи аъзоларининг KPI кўрсаткичларининг даражасини тасдиқлаш;

Жамият фаолиятига корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш, шунингдек, корпоратив бошқарув тизимининг жорий этилишини баҳолаш, баҳолаш натижаларини Кузатув кенгаши йиғилишларида кўриб чиқиш;

Жамият бюджетини шакллантириш ва ижро этиш қоидаларини тасдиқлаш;

Жамиятнинг Ягона акциядори томонидан кўриб чиқиш учун киритилган масалаларни дастлабки маъқуллаш;

Ягона акциядорнинг ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар тайёрлаш ва кўриб чиқиш учун Жамиятнинг Ягона акциядорига зарур маълумотларни тақдим этиш;

Жамият филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш;

Жамиятнинг шўба ва бўлинма корхоналарини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва Жамиятнинг мазкур Уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

87. Кузатув кенгаши фаолияти самарадорлигини баҳолаш, корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари орқали аниқланади. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, амалга оширилади.

XII. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ (БОШҚАРУВ)

88. Жамиятнинг Ижроия органи коллегиял ижроия органи ҳисобланади.

89. Жамиятнинг жорий фаолиятига ижроия органи (Бошқарув) раҳбарлик қилади.

90. Жамият Бошқарувининг миқдорий таркиби камида 3 кишидан иборат.

91. Ягона акциядорнинг қарори билан Бошқарувнинг миқдорий таркиби ўзгариши мумкин.

92. Ижроия органининг раҳбари Бошқарув Раиси ҳисобланади.

93. Бошқарув раиси ва аъзоларини сайлаш (тайинлаш), шунингдек уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш танлов якунлари бўйича Кузатув кенгашининг тавсияси асосида Ягона акциядор томонидан амалга оширилади.

94. Бошқарув аъзолари ва раиси 3 (уч) йил муддатга сайланади (тайинланади).

95. Бошқарув раиси ва аъзолари Кузатув кенгашига ҳисобот берадилар.

96. Бошқарув раиси ва аъзолари билан тузилган шартнома Жамият номидан Кузатув кенгашининг раиси, у бўлмаганда эса Кузатув кенгашининг ваколатли аъзоси томонидан имзоланади.

97. Жамиятнинг бошқаруви:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва ушбу Уставда назарда тутилган ваколатлар доирасида Жамиятнинг жорий операцион, молиявий-хўжалик фаолияти устидан раҳбарлик қилади;

Жамият Ягона акциядори ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этади;

Ягона акциядорнинг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ахборотни олиш ва дивидендлар тўлаш бўйича барча ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлайди;

қонун ҳужжатларида ва Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг мулки ва маблағларини тасарруф этади;

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилиши ва ишончилигини, йиллик ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботларнинг ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек, акциядорлар ва бошқа шахсларга Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишни ташкил этилишини таъминлайди;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг ташкилий фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади.

98. Бошқарув ваколатига Жамиятнинг жорий оператив фаолиятини бошқариш билан боғлиқ барча масалалар киради, Ягона акциядор ва Кузатув кенгашининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

99. Бошқарув аъзолари Жамият Кузатув кенгашининг қонун тартибига кўриб чиқиш учун масалалар киритишга ҳақли.

100. Бошқарув аъзолари акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Жамиятнинг иқтисодий таваккалчилигини ва Жамият Бошқарувининг жавобгарлигини суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

101. Бошқарув раисининг ваколатлари:

Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, Жамият номидан битимлар ва шартномалар тузади. Жамият филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди, ходимларини тасдиқлайди. Жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Жамият фаолиятида қонунчиликка риоя этилишини, шартнома ва молиявий интизомни мустаҳкамлаш, меҳнат муносабатларини тартибга солишни таъминлаш;

Жамият стратегияси, бизнес-режаси ва бюджетини ишлаб чиқиш ва Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этишни ташкил қилиш;

Ягона акциядор ва Кузатув кенгаши қарорларини тайёрлаш ва амалга оширишни ташкил қилади, Жамият бошқарув органларига Жамият органлари қарорларининг бажарилиши юзасидан ҳисоботлар тақдим этиш;

Ягона акциядор ёки Кузатув кенгашининг талабига биноан ушбу органлар томонидан белгиланган муддатларда Жамиятнинг ишлаб чиқариш-молиявий фаолияти тўғрисидаги ҳар қандай маълумотларни, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни ҳамда бошқа ҳужжатларни тақдим этиш;

Жамият ходимларига Жамият манфаатлари ва номидан ҳаракатларни амалга ошириш учун ишончномалар бериш;

банк ҳисоб рақамларини очиш ва Жамиятнинг тўлов ҳужжатларини имзолаш;

техник хавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини

таъминлаш;

Жамиятнинг ҳужжат айланиши қоидаларини, ички меҳнат қоидаларини, шунингдек Жамиятнинг жорий фаолиятини таъминлаш ва тартибга солиш билан боғлиқ бошқа маҳаллий ҳужжатларни тасдиқлаш, агар ушбу Уставда бундай ҳужжатларни тасдиқлаш бошқа бошқарув органларининг ваколатига юклатилган бўлмаса;

ходимлар билан меҳнат шартномалари тузади ва уларни тугатиш (бекор қилиш) тўғрисида қарорлар қабул қилади;

Бошқарув аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Жамият фаолиятига оид масалаларни ҳал этишда уларнинг ваколатларини белгилайди;

ташкилий тузилма ва штат жадвалини, меҳнатга ҳақ тўлаш қоидалари ва тизимларини, шунингдек, штат ставкасини ҳисобга олган ҳолда мансабдор шахсларнинг иш ҳақи миқдорини Кузатув кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этади;

Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган Жамият ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларга устама тўлаш қоидаларига мувофиқ ходимларга мукофотлар тўлаш масалаларини ҳал қилади;

Жамият ходимларига нисбатан уларни лавозимга тайинлаш, бошқа ишга ўтказиш ва ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқлар чиқаради, рағбатлантириш чораларини кўради ва интизомий жазо чораларини қўллайди;

ходимларнинг лавозим йўриқномаларини ва Жамиятнинг бошқаруви ҳузуридаги Жамиятнинг таркибий бўлинмалари ҳамда комиссия ва кўмиталар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Жамиятнинг барча мансабдор шахслари ва ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар, кўрсатмалар беради ва тасдиқлайди;

Жамият ходимларининг меҳнат ва ижро интизомига риоя этилишини таъминлайди;

Жамият ходимларига нисбатан амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган интизомий жазо ёки рағбатлантириш чораларини қўллайди;

Жамият Кузатув кенгаши ва Ягона акциядорнинг қарорларига мувофиқ, Жамиятнинг жорий операцион фаолияти билан боғлиқ битимлар бўйича тегишли қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган битим тузиш санасида базавий ҳисоб-китоб суммасининг 3500 (уч минг беш юз) бараваридан ортиқ бўлган суммадаги Жамият битими ёки ўзаро боғлиқ битимлар мажмуи бўйича масалаларни Кузатув кенгашининг кўриб чиқиши учун олдиндан тақдим этади;

Жамият фаолиятини таъминлаш бўйича Жамиятнинг ушбу Уставада Ягона акциядор ва Кузатув кенгаши ваколатига киритилмаган бошқа ваколатларни амалга оширади;

102. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ бошқарув раиси ушбу бандда санаб ўтилган айрим функцияларни бажаришни ўзи ваколати билан берган тегишли кўрсатма асосида Жамият ходимларига топширилади ва Бошқарув раисининг буйруғи ва ишончнома билан расмийлаштирилади.

103. Бошқарув раиси ҳар чоракда Жамият Кузатув кенгашига Жамиятнинг йиллик бизнес режасининг бажарилиши тўғрисида ҳисобот беради;

104. Бошқарув раиси йиллик йиғилишда Ягона акциядорга Жамиятнинг молиявий йил яқунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари тўғрисида ҳисобот беради;

105. Жамият бошқаруви раиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш;

- жисмоний ва юридик шахслар билан ўзаро муносабатларда Жамият манфаатларини ифодалайди;

- Жамиятнинг мол-мулки ва маблағларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида, Жамиятнинг ушбу Уставида, Жамиятнинг ички ҳужжатларида, Ягона акциядор ва Кузатув кенгаши қарорларида белгиланган талабларга мувофиқ тасарруф этиш;

106. Жамият раиси, бошқаруви аъзолари ва кузатув кенгаши аъзоларига қуйидагилар тақиқланади:

- Жамиятдан алоҳида мулкый имтиёзлар олишга қаратилган битимлар тузиш (шу жумладан ҳадя, қарз, текин фойдаланиш, олди-сотди шартномалари ва бошқалар);

- Жамиятнинг учинчи шахслар билан тузган битимлари учун ҳам Жамиятнинг ўзидан, ҳам учинчи шахслардан рағбатлантириш олиш;

- Жамият билан муносабатларида учинчи шахслар номидан ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиш;

- Жамият фаолияти билан рақобатлашадиган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш;

XIII. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

107. Зарур ҳолларда Жамият ички аудит хизматини ташкил қилади. Ички аудит хизмати Жамият Кузатув кенгашига ҳисобот беради. Ички аудит хизмати ходимлари Кузатув кенгаши томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

108. Жамиятнинг ички аудит хизмати ижроия органи, Жамият филиаллари ва ваколатхоналари фаолиятини қуйидаги мақсадларда текшириш ва мониторинг қилиш орқали назорат қилиш ва баҳолашни амалга оширади:

- ижроия органи ва бошқа раҳбар ходимлар томонидан қонун ҳужжатлари, Жамият устави ва бошқа ҳужжатларига риоя этилиши;

- Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларида маълумотларнинг тўлиқ ва ишончли тақдим этилишини таъминлаш;

- Жамиятнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда белгиланган қоидалар ва тартибларга риоя қилиш;

- Жамият активларининг сақланиши, юридик шахслар билан тузилган битимлар, шунингдек, Жамиятни бошқариш бўйича қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши;

109. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида, мазкур Уставада ва Жамиятнинг Ягона акциядори томонидан тасдиқланган “Жамиятнинг ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низомда белгиланган тартибда амалга оширади.

XIV. ЖАМИЯТ ВА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

110. Жамият ўз мажбуриятлари бўйича барча мол-мулки билан жавоб беради.

111. Жамият Ягона акциядорнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас.

112. Жамиятнинг банкротлиги Ягона акциядорнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, Ягона акциядор ўз мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарликка тортилиши мумкин.

113. Жамиятнинг банкротлиги, агар Ягона акциядор Жамиятнинг банкрот бўлишини билиб, жамият томонидан бирор ҳаракатни амалга ошириш учун кўрсатилган ҳуқуқдан фойдаланган бўлса, Ягона акциядорнинг ҳаракатлари туфайли юзага келган деб ҳисобланади.

114. Жамиятнинг Ягона акциядори унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас ва

Жамият фаолияти билан боғлиқ йўқотишлар таваккалчилигини унинг акциялари қиймати доирасида ўз зиммасига олади.

115. Жамиятнинг мансабдор шахслари қуйидагилар учун жавобгардирлар:

Жамият ва Ягона акциядор манфаатларини тўғри акс эттирувчи усуллардан фойдаланган ҳолда ўзларига юкланган вазифаларни виждонан бажариш;

Жамият мол-мулкидан мазкур Уставга, Ягона акциядор ва Кузатув кенгаши қарорларига зид равишда фойдаланишга рухсат бериш, шунингдек, аффилиланган шахслар томонидан битимлар тузишда шахсий мақсадларда фойдаланиш ва суистеъмол қилиш;

бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тизимларининг яхлитлигини, шу жумладан мустақил аудитни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ Жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотнинг ошкор этилиши ва тақдим этилишини назорат қилиш;

Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг, шу жумладан, агар Жамиятнинг ички ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, Жамиятда иш тугатилган кундан бошлаб уч йил мобайнида махфийлигига риоя қилиш;

116. Кузатув кенгаши ва Бошқарув аъзолари ўз ҳуқуқларидан фойдаланадилар ҳамда ўз вазифаларини бажариш чоғида Жамият манфаатларини кўзлаб иш юритишлари ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлишлари шарт.

117. Жамиятга бир неча мансабдор шахсларнинг айби билан зарар етказилган бўлса, у ҳолда бу шахслар Жамият олдида биргаликда жавобгар бўладилар.

118. Манфаатдор шахс Жамият ва Ягона акциядор олдида қуйидагилар натижасида Жамиятга етказилган зарар учун жавобгар бўлади:

чалгитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлик;

Қонунда белгиланган ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик;

жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган йирик битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишни таклиф этганлик, шу жумладан жамият билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз аффилиланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида битимлар тузишни таклиф этганлик.

119. Агар Жамиятга қайтарилиши учун мансабдор шахс ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар келтирилган ҳолда Ягона акциядорнинг ёки Ягона акциядорнинг қарори асосида ўз номидан мансабдор шахсга нисбатан Жамиятга етказилган зарар ёки зарарни қоплаш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақли;

120. Жамият Ягона акциядорнинг ёки ўз номидан Ягона акциядорнинг қарори асосида жамиятнинг мансабдор шахсига ва (ёки) учинчи шахсга етказилган зарарни қоплаш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Жамият томонидан ушбу учинчи шахс билан тузилган битим натижасида Жамиятга етказилган зарарлар учун, агар бундай битимни тузишда ва (ёки) бундай битимни амалга оширишда Жамиятнинг ушбу мансабдор шахси Устав ва Жамиятнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, шартнома асосида ички ҳужжатлари ёки талабларини бузган ҳолда унинг меҳнат шартномаси асосида учинчи шахс қарздор ҳисобланади.

121. Жамиятнинг Ягона акциядори адлия органларига мурожаат қилишдан олдин Жамиятнинг мансабдор шахслари томонидан Жамиятга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва жамиятнинг мансабдор шахсларига қайтариш тўғрисидаги масалани Кузатув кенгаши йиғилишида қўйиш талаби билан Кузатув кенгаши раисига уларнинг аффилиланган шахслари томонидан манфаатдор бўлган битимларни тузиш (хулоса бўйича таклифлар)

тўғрисида қарор қабул қилиш натижасида олинган фойда (даромад) бўйича мурожаат қилиши шарт.

122. Кузатув кенгашининг раиси юқоридаги сўров олинган кундан эътиборан ўн календарь кундан кечиктирмай Кузатув кенгашининг очик мажлисини чақириши шарт.

123. Ягона акциядорнинг талабига биноан Кузатув кенгашининг қарори йиғилиш ўтказилган кундан бошлаб уч календарь кун ичида унинг эътиборига етказилади. Кузатув кенгашининг кўрсатилган қарорини олгандан ёки уни ушбу бандда белгиланган муддатларда олмаганидан сўнг, Ягона акциядорнинг Кузатув кенгаши раисига мурожаатига асосан Ягона акциядор Жамият манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўз номидан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

124. Жамиятнинг мансабдор шахслари, битим тузишдан манфаатдор бўлган ва натижада Жамият зарар кўрган битим тузишни таклиф қилган мансабдор шахс бундан мустасно, агар улар орган томонидан қабул қилинган қарорга қарши овоз берган шунингдек узрли сабабларга кўра овоз беришда иштирок этмаган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади.

125. Мансабдор шахс, агар “Акциядорлик жамиятлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида белгиланган Жамият мансабдор шахслари фаолияти тамойилларига риоя қилган ҳолда тўғри ҳаракат қилганлиги исботланган бўлса, тижорат (тадбиркорлик) қарори натижасида етказилган зарарни қоплашдан озод қилинади. Акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш”, қарор қабул қилиш пайтидаги тегишли (тўғри) маълумотларга асосланиб, бундай қарор Жамият манфаатларига хизмат қилади.

126. Агар Жамиятнинг молиявий ҳисоботлари ва молиявий ҳолатини бузиб кўрсатган тақдирда, Жамиятнинг ушбу молиявий ҳисоботини имзолаган Жамиятнинг мансабдор шахслари Жамият олдида, Жамият эса моддий зарар кўрган учинчи шахслар олдида жавобгар бўлади.

XV. ЖАМИЯТНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТИНИ ТАЙЁРЛАШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

127. Жамият бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этиши шарт.

128. Жамиятнинг молиявий ҳисоботларида тақдим этилган ва Жамиятнинг Ягона акциядорига тақдим этилган йиллик ҳисобот, баланс, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг аниқлиги мулкый манфаатлари Жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланиши керак.

129. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудит ўтказилгандан сўнг Жамиятнинг Ягона акциядорига тақдим этилган санадан камида икки ҳафта олдин Жамият Кузатув кенгаши томонидан олдиндан тасдиқланиши керак.

130. Жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш Ягона акциядорнинг мутлақ ваколатига киради.

131. Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни Жамият акциядорларининг йиллик йиғилиши ўтказилиб, якуний тасдиқланганидан кейин икки ҳафта муддатда эълон қилади.

132. Жамиятнинг молиявий йили 1 январда бошланади ва 31 декабрда тугайди.

XVI. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ТУГАТИШ

133. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

XVII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

134. Ягона акциядорнинг қарори билан мазкур Уставга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган

тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

135. Жамият уставига ёки Жамият янги тахрирдаги уставига ўзгартиш ва қўшимчалар учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказиш орган томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда эса – бу ҳақда хабардор қилинган пайтдан эътиборан кучга киради.

136. Ушбу Уставнинг ҳар қандай қонидаси ўз кучини йўқотган амалда эмас деб топишган тақдирда, ушбу қоида бекор қилинади. Шу билан бирга, Низомнинг барча бошқа қоидалари ўз кучида қолади.

137. Агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида Жамиятнинг ушбу Уставада назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларининг қоидалари қўлланилади.

138. Мазкур Устав билан тартибга солинмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

139. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан кучга киради.

“UzAssets” АЖ департамент бошлиғи



Б. Рустамов